• Бу ҳақда вилоят фаоллари йиғилишида гапирилган эди

# ФЕРМЕРЛИКНИНГ МУШКУЛ ЙЎЛЛАРИ

**Хонободлик фермер Султонхўжа МУҲИДДИНОВ иш тажрибасидан**





• Суратларда: (чапдан ўнгга) фермер Султонхўжа Муҳиддинов ва молбоқарлар О. Араббоев, Р. Олимовлар.

Н. МУҲАММАДЖОНОВ олган суратлар.

***ҲАЁТИМИЗГА** ислоҳотлар тобора чуқурроқ кириб боряпти.*

*Зотан, бошқа мақбул йўл ҳам йўқ. Шу нуқтаи назардан фермер бугунги кунда жамиятнинг энг фаол, энг ишончли аъзоси бўлиб қолди. У ҳозир қишлоқда энг бообрў шахс, хусусий мулк эгаси. Вилоятимизда деҳқон (фермер) хўжаликларининг сони шу йилнинг бошида 1252 тани ташкил этганлиги ғоятда қувонарли ҳолдир. Табиийки, уларнинг сафи, халқ хўжалигидаги ўрни ва салмоғи узлуксиз ошиб боряпти.*

## ОТА ЎҒИЛ

Инсон ҳаётда ўз ўрнини топа олса, яхши дўст, доно устоз орттирса ўсади, камол топади. У ўз эзгу орзулари пойдеворига ишонч ва ихлос билан ғишт қўяди.

Ана шундай омадли кишилардан бири фермер Султонхўжа Муҳиддиновдир. У қандай қилиб фермер бўлиб қолди? Шунча журъат, билим ва малакани у қаердан олди? Кексаларимиз айтганларидек: "Ҳаёт — улуғ муаллим. Замон — дарсхона" экан. Олло таоло насиб этса, уқувли, фаҳму фаросатли одам боласи ҳаётда, албатта, ўз йўли, ўз бахтини топиб олар экан.

Унинг устози — отаси Насриддин бува кўпни кўрган, тажрибали ва зукко бободеҳқон. У "Қорасув" совхозида бригадир, чорвачилик фермасининг мудири бўлиб ишлаган кезлари яратган мўъжизалари ақлни лол қолдиради. Республикада биринчи бўлиб Юсупов навли помидор ва бошқа экинларни пуштага уруғидан эккан, сабзавотчиликда механизацияга кенг йўл очиб берган ана шу табаррук отахон бўлади. Унинг бу хайрли ишини раҳматли Шароф Рашидов юксак баҳолаган, уни шахсан ўзи рағбатлантирган эди.

Республикада хизмат кўрсатган механизатор Насриддин буванинг фермада жорий этган янгиликлари ҳам ажойиб-ғаройиб. У киши ўша вақтларда ишлатилган икки хил сут соғиш аппаратидаги нуқсонларни аниқлаб, улар асосида такомиллашган янги сут соғиш аппаратини яратди. Аппарат мутасадди давлат ташкилотлари томонидан синаб кўрилиб, кўплаб ишлаб чиқаришга тавсия ҳам этилган эди.

Тадбиркор оддий бир деҳқон илму заковати, олимона мушоҳадаси барқ урган ўша пайтларда Султонхўжа совхозда оддий ёш ишчи эди. Илмсиз ҳеч қаёққа бориб бўлмаслиги ҳақидаги ота насиҳатини қулоғига олган ўғил Бўка қишлоқ хўжалигини механизациялаш техникумига ўқишга кирди. Ўқишни битириб, фермада тўққиз йил механик, 1985 йилдан 1993 йилгача савхозда бош муҳандис бўлиб ишлади. Энди уни тажрибада, билим ва малакада камситиб бўлмасди. Аксинча, унинг ўзидан келиб кўпроқ маслаҳат сўрашарди.

## ЭСКИ ГАРАЖДА ЁҒДУ

СОВХОЗНИНГ эски гаражи захкаш ерга жойлашган бўлиб, еросги сувлари ер бетига уриб ётарди. Ана шунинг учунми ёғингарчилик кезлари у ерга резина этик билан ҳам кириб бўлмасди. Тизза бўйи лой-балчиқ, ҳалқоб-ҳалқоб сув бўларди. Харобага айланган гараж деворларининг қоқ белигача зах уриб, пўпанак босиб кетганди. Бу вайронани ферма хўжалиги учун танлаган Султонхўжа устидан баъзилар анчагача кулиб ҳам юришди. Бу дашномни унинг ўзи ҳам ҳис этарди. Аммо сир бой бермасди, дарди ичида эди. Нима ҳам қилсин, ахир, бошқа кулайроқ жой топилмаса?!

— Эпақага келтиргунча анча қийналдик,— дейди фермер Султонхўжа Муҳиддинов.— Дастлаб гараж ёнидан ўтган ариқни тозаладик. Омонат турган деворларни созладик. Томларни таъмирлаб, шифер ёпдик. Янги бостирмалар солдик. Соғин сигирлар, новвослар ва бузоқлар сақланадиган хоналарни созлаб, уларга охирлар, сувлогич мосламалар ўрнатдик. Ем тайёрланадиган қурилмалар, ем тегирмони олиб келинди. Озуқа омборхонаси қурилди. Ҳовли сатҳи уч марта асфальтланди. Бу ишларга анча пул кетди. Гараж ўрнидан ҳозирча ижара сифатида фойдаланаяпмиз. Уни бутунлай сотиб олишга (21 миллион сўм) бугун имкониятимиз йўқ. Лекин, бўлади...

## БИРИНЧИ ДОВОН

СУВНИ кўргандан кейингина этик ечиш яхши одат. Султонхўжа ҳам туриш-турмушда шунга амал қилади. Сира шошмайди, доим бамаслаҳат иш тутади. Бу, айниқса, янги хўжалик юргизаётган, янги рўзғор тебратаётган одам учун жуда шарт. Чунки, оқибати нима бўлишини на унинг ўзи ва на бошқалар айтиб бера олади.

Маслаҳат бир ердан чиқди. Отаси, акаси Турсунхўжа ва укаси Ҳайриддинлар Султонхўжага оқ фотиҳа, баҳоли қудрат пул билан ёрдам беришди. Фермер сармоя ҳуржунини елкага ташлаб Қозоғистон, Черняевка ва Янгибозорга йўл олди. У ердан зотли моллар сотиб олиб келди. Бундан хабар топган жамоа хўжалиги раиси Аъзам ака Абдувалиев ҳам катта ҳиммат кўрсатди. Янги фермер хўжалигига анча арзон нархда 16 бош наслдор бузоқ, 10 бош бузоқча берди.

Пода туёғи тобора ортиб борди. "Бўзсув" совхозида зотдор ғунажинлар борлигидан хабар топган Султонхўжа давлат банкидан 30 минг сўм қарз кўтариб, ҳамма пулни совхоз ҳисоб рақамига ўтказди. У ердан ўн бош зотдор ғунажин олиб келди. Ғунажинлар яхши, сермаҳсул сигирлар бўлиб етилди. Ҳозир хўжаликда 31 бош сигир бор. Улардан 23 таси соғилади.

1992 йилда фермер хўжалигида 25 тонна, ўтган йили эса, 77 тонна сут соғиб олинди. Бу йилги мўлжал — 100 тонна!

## БЕВАҚТ ЧЕКИНИШ ЁКИ КУТИЛМАГАН САҲОВАТ

— Фермер бўлиб мол боқиш жуда қийин экан,— дейди С. Муҳиддинов.— Ҳаммасини ўз қўлинг билан яратишинг, каттами ё кичик ҳар бир нарсанинг орқасидан ўзинг югуришинг керак. У етишмайди, бу етишмайди. Тракторга чоп, машинага чоп. Бензин йўқ, эҳтиёт қисмлар йўқ. Бир томонда божхона, бир томонда солиқлардан тинканг қурийди. Тўғриси, дод деворишгача етдим. Менга нима, битта қориннни тўйғазиш шунчалик азобми, деб қўл силтаб қўяқолишга тайёр эдим. Қатъий қарорга ҳам келиб қўйдим...

Раисимиз Аъзам ака келиб, тезда Вазирлар Маҳкамасига боришим кераклигини тайинлади-да, иши шошилинч эканми бошқа ҳеч нарса демай чиқиб кетди. Мен ҳам уни гапга тутмадим, дилимни ёрмадим. Ке-е, шу йиғинга ҳам бориб келай-чи, сўнг айтарман, дедим-да, йўлга отландим.

... Мана буни мажлис, ҳақиқий кенгаш деса арзийди,— дейди тўлқинланиб у. — Минбарда куйиб-пишиб гапираётган Президентимиз сиймоси ҳануз кўз олдимдан кетмайди. Унинг сўзлари кўнгил ташналигимни қондирди, чарчоқларимни ёзиб юборди. Мажлисдан кейин ўйлаб қўйган қарорим ҳам ўзгарди. Ахир Президентимизнинг ўзи, ҳукуматимиз фермерга шунчалик каромат ва саҳоват кўрсатиб турганда нега энди лоқайд қолиб бўларкан?! Аксинча, тўриққа энди қамчи босадиган вақт етди. У қанот чиқариб, кўкка парвоз этишга ҳам қодир. Энди фермерга ҳеч нарса ҳалал бермайди, унинг йўли ойдин йўл эди... Шу ўй-фикрлар билан ишга шўнғиб кетдим.

## ҚАЛОВДА ГАП КЎП ЭКАН

— ЯҚИНДА Тошкент вилояти ҳокимининг муовини Йўлдош ака Тожибоев бошлиқ саккиз кишилик делегациямиз Фарғона шаҳрига, фермер хўжаликлар раҳбарларининг семинарига бориб келди,— дейди Султонхўжа. — Билмаган кўп нарсаларимизни ўрганиб қайтдик, ўзаро тажриба алмашдик. Йўлдош ака қайтишда менинг ишларим хусусида қизиқиб сўради.

— Чорвангни аҳволи қандай?

— Молларим зотли, насли тоза. Бу ерда кўрганларимизга ўхшаб жуссаси ва елини кичкина моллар эмас,— дедим. Бир келиб кўришга таклиф қилдим у кишини.

... Ҳозирги кунгача "Хонобод" фермер хўжалигида 31 бош соғин сигир, 30 бош новвос, 12 бош ғунажин, 9 бош бузоқ — жами 110 бош чорва боқилмоқда. Шу кечча-кундузда говмушлардан 270-280 литрга етказиб сут соғиб олинмоқда. 30 бош новвос сўқимга боқилмоқда. Уларнинг тирик вазни 500 килограммдан ошмагунча сўймаймиз.

Молнинг сути, эти — тилида, деб бежиз айтишмайди. Демак, ҳамма гап емда, озуқада. Берсанг-оласан, бермасанг-қуруқ қолаверасан. Асосий шарт ҳам шу. Бойишни, моддий аҳволни яхшилаб олишни истаган ҳар бир фермер, аввало, ана шу шартга қатъий амал қилиши, ем-озуқа масаласида пулни аямаслиги, иқтисод қилиб қолишни ўйламаслиги керак.

Хонободлик фермер худди ана шундай йўл тутяпти. Бамаслаҳат ишлаб чиқилган молларни озиқлантириш рациони — таомномасига қатъий амал қилаяпти. Шу туфайли ҳам маҳсулдорлик энг юқори кўрсаткичга етяпти.

Молларга ҳар куни уч маҳал — эрта билан соат 6-7 ларда, тушда соат 1-2 лар орасида ва кечқурун соат 8-9 ларда шулха, омухта ем, шрот, суюқ барда аралашмасидан иборат атала берилади. Бундан ташқари икки маҳал суюқ бардада увитилган терит, бир маҳал қуруқ хашакнинг ўзи берилади. Мол охирларига Сурхондарёдан олиб келинган тош тузи майдалаб ташлаб қўйилади.

Шуниси қизиқки, охирларда, моллар оёғи остида бир грамм ҳам нушхўрд кўрмайсиз. Демак, рациондаги озуқалар сифатли тайёрлаб берилади, хушхўр. Яна шу нарса ҳам эътиборга сазоворки, чорва моллари боғлаб боқилмайди, улар молхоналарда эркин сайр қилиб юришади. Вақти-вақти билан улар ферма орқасида жойлашган майдонга чиқариб яйратилади.

Хўш, озуқа таъминоти қандай кечяпти?

— Нолишга ҳаққим йўқ,— дейди Султонхўжа.— Жамоа хўжалигимиз раҳбарияти яқиндан кўмак бериб келяпти. Ўтган йили давлат нархида 17 тонна лавлаги, 20 тонна омухта ем, 40 тонна шрот берди. Бардани жамоа хўжалиги машинаси Тошкент вино заводидан олиб келиб беради. Қуруқ хашакни Қозоғистондан ўзаро келишилган ҳолда олиб келамиз. Худога шукрки, ягона иқти одий ҳудуд ташкил бўлиб, чегаралар очиб юборилди. Божхоналарнинг қийин-қистовидан қутилдик.

20 гектар еримиз бор. 14 гектари бедазор. 4 гектарга бу йил лавлаги ва 3 гектарга силос учун маккажўхори экканмиз. Гектаридан 70 тонн дан лавлаги, 150-200 тоннадан силос, янги қиш мавсумига етарли миқдорда озуқа жамғарамиз. Фермамизда йиғилиб қолган маҳаллий ўғитнинг ҳаммаси далаларимизга чиқарилмоқда. Бу билан ўғитга кетадиган ортиқча харажатларни тежаяпмиз.

Яйлов учун колхоз яна бир гектар майдон ажратиб бермоқчи. Барча дала ишлари акам Турсунхўжа ва унинг тўрт фарзанди зиммасида.

Президентимиз қўйган қатъий талаблардан бири — ернинг умрини бекорга ўтказмаслик, иложи борича ундан самарали фойдаланиш, ҳосилдорликни ошириш ҳисобига оз ердан ҳам мўл ҳосил олиб, эҳтиёжни қондиришдир. Узоқни кўзлаб айтилган бу гапда чуқур маъно бор. Аввало, ҳар қарич ернинг қадрига етишимиз, ҳосилдор экин майдонларини бўлар-бўлмасга талон-торож қилиб юбормаслигимиз керак.

Фермер хўжалиги жамоаси бир авлод кишилари. Бир-бири билан чатишиб кетган қариндош-уруғлар. Бу, аввало, ишончли кафолат бўлса, иккинчи бир томони — бир-бирларига ўзаро моддий ва маънавий мадад кўрсатишдир.

Молларга умуман уч киши — Баҳодир Ҳолиқов, Тойир Саримсоқов ва Баҳодир Юсуповлар қарашади. Ўткир Юсупов фермер муовини ҳисобланса-да, "аравани ҳамма билан баравар тортади". Ўзни сояга олиш уят саналади. Ишни қойил қилдингми, марҳамат, дамингни ол. Радио эшитасанми, мутолаа қиласанми ёки яна бошқа бир фойдали юмуш билан машғул бўласанми, ихтиёринг...

Соғин сигирларга бир соғувчи Жумагул Ҳожикиева бириктилган. Молхонага битта линия — 2 та "АД-100" сут соғиш аппарати ўрнатилган. Иш жараёни оғир эмас. Фермер хўжалигида ишлаётганларнинг ҳозир олаётган маошлари ҳам чакки эмас. Ойлик иш ҳақи ўртача 100 минг сўмдан ошмоқда.

## ШАҲАРДА ҚЎШ ДЎКОН

ФЕРМЕР хўжалиги жамоаси паррандачиликни ҳам йўлга қўймоқда. Колхоз ажратиб берган 30 сотих ерда бултур паррандачилик фермаси ташкил этилди. Атрофи сим тўсиқ билан ўраб олинди. Бугун бу ерда 40 та товуқ, 40 та ўрдак, 25 та курка ва 28 та ғоз боқилмоқда. Бу йил уларнинг сони анчага ортади.

Сирғали тумани ҳокимининг ёрдами билан шаҳар марказида фермер хўжалигининг хос гўшт дўкони очилди. Савдо-сотиқ учун қулай ерда. Маҳсулотлар бузилмаслиги учун музлатгич ҳам сотиб олинди. Мана, салкам бир ойча вақт бўлди, сотувчи Бахтиёр Юнусов Сирғали шаҳри аҳолисига бир тонна гўшт сотди. Халқ ҳар кило барра гўштни минг сўм арзон нархда харид қилди.

Яқин орада иккинчи дўконни очишга ҳам келишиб қўйилди. Янги дўкон паррандачилик фермасидан етказиб бериладиган пархез парранда гўшти билан савдо қилади.

Фермер хўжалигида етиштирилган сутни ҳар куни жамоа хўжалиги машинаси олиб кетиб, Зангиотадаги сут қабул қилиш пунктига топширади. Ҳар куни атроф маҳаллалардан 50-60 хонадон сут харид қилгани чиқади. Уларга ҳам сут анча арзон нархда сотилади.

— Эндиликда шартномавий нарх белгиламоқчимиз,— дейди фермер хўжалиги раҳбари. — Сутнинг ҳар литрини 850 сўмдан сотамиз. Барибир бу мени хотиржамлантира олмайди. Яқин ўртада Қозоғистондан сепарат олиб келиш ниятим бор. Сутни ўзимизда қайта ишлаймиз. Цех очиб, қаймоқ, пишлоқ, творог, қатиқ маҳсулотлари ишлаб чиқарамиз. Яна бир янги дўкон очамиз.

## ЭЗГУ НИЯТ

— МЕН шу ўринда деҳқон-фермер хўжаликларини ривожлантиришга сидқидилдан муносабатда бўлаётган, уларга яқиндан ёрдам бераётган Зангиота тумани ҳокимлиги, "Қорасув" жамоа хўжалиги бошқарувининг раиси Аъзам ака Абдувалиевга ўз миннатдорчилигимни билдирмоқчиман,— дейди фермер Султонхўжа Муҳиддинов.— Бу хушомад эмас. Чиндан ҳам уларнинг менга катта ёрдами тегяпти.

Жамоа хўжалиги УАЗ-3303 машинасини совға тариқасида бериб қўйибди. "Сут" машинаси ҳар куни соғилган сутни қабул пунктига олиб кетади. Бунинг учун колхоз мендан пул олмайди. Техника, озуқа, бензин, эҳтиёт қисмлар ташвишини қилмайман. Шартнома асосида исталган техника ва машинани исталган вақтда ижарага олиб, бемалол фойдалана оламан.

Жамоа хўжалиги раҳбарияти мени бошқа кўпгина ортиқча юмушлардан ҳам озод қилиб қўйибди. Асосий ҳисоб-китоб ишларим хўжалик бухгалтерияси зиммасида. Ҳамма кирим-чиқимларни ўзлари олиб боришади. Ҳар ойда менга алоҳида ҳисобот тақдим этишади. Мен тегишли ҳужжатлар билан танишиб, имзо чекиб, муҳр босиб бераман, холос. Кирим-чиқимлар дафтари тутганман. Гувоҳномам, муҳрим, ҳисоб рақамлари дафтарчалари ва бошқа ҳамма қоғозлар бор.

Иккита ҳисоб рақамим бор. Унинг биттаси жамоа хўжалигида. Бу ҳисобда ҳозир 1 миллион 600 миннг сўм пулим бор. Алоҳида очилган ҳисоб рақамимда эса, 6 миллион сўм атрофида пулим бор. Бу, албатта, жуда кам. Чунки, йилнинг энди биринчи чораги ўтди. Ҳаммаси ҳали олдинда. Бойиб қолсак, ажабмас!..

Эзгу ниятингиз доим ёр бўлсин, Султонхўжа!..

**Н. ҲИКМАТУЛЛАЕВ,**
**"Тошкент ҳақиқати" нинг махсус мухбири.**

# РЎЗҒОР БАРАКАСИ — ҲАЛОЛ МЕҲНАТДА

ҚИШЛОҚДА бағри кенг, меҳри қуёш, қалби мусаффо кишилар кўп. Уларнинг ниятлари ҳамиша пок: эл-юрт тинчлигини, фидойилигини кўзлайдилар, шу йўлда меҳнатларини аямайдилар. Бундай оққўнгил инсонлар оиласида фарзандлар ҳам ота-оналаридек ишчан, инсонпарвар бўлиб тарбия топадилар.

Ўртачирчиқ туманидаги Ким Пен Хва номли жамоа хўжалигида бўлганимизда Йўнғичқоли қишлоқ фуқаролар йиғини кенгашининг раисаси Мапурахон Тошматова бизни Тўртқўрғон участкасидаги қатор ана шундай оилалар билан таништирди.

— Уйингизга меҳмон олиб келяпман, отахон, — деди у кўчада набирасини кўтариб турган бўйчан, қорачадан келган, қотмагина оқсоқолга ва биз томон қараб, — Турсунхўжа ота шу киши бўладилар, — деди.

Оқсоқол худди ўғли армиядан келган кишидек чеҳраси ёришиб, ўзида йўқ қувониб кетди. Салом-аликдан сўнг у:

— Бош устига, бош устига, қани юринглар, — дея бизни ҳовлига бошлади.

Отанинг умр йўлдоши Ҳадичахон ая келини билан елиб-югуриб айвондаги столга дастурхон тузай бошлашди. Бир пиёла чой устида суҳбат бошланди.

Турсунхўжа ота 43 йил Ким Пен Хва номли жамоа хўжалигининг Тўртқўрғон участкасида сувчи, оддий пахтакор, теримчи бўлиб ишлади. Ҳадичахон ая хўжаликда энг илғор пиллакор, теримчи, 11 фарзандни вояга етказган қаҳрамон она сифатида танилди. Ҳозир заҳматкаш онахон 252 минг сўм пенсия олиб, меҳнати гаштини сурмоқда.

6 ўғил, 5 қизни оёққа қўйган, уларни ўзлари каби меҳнатсевар қилиб улғайтирган бу очиққалб инсонларнинг беғубор суҳбатларини тинглаб, тўймайсан киши.

— Отасига эргашиб, ўғилларим Амирхон, Комилжон, Қобилжон, Фозилжон, қизларим — Ҳаётхон, Саноат, Қаноат, Фароғат ҳамда Сабоҳатлар барчаси колхозчи бўлишди, айланайлар, — дейди ая кўнгли тўлиб, — мактабда ўқиётган Абдураҳмон, Қаҳрамон ҳам қурт тутганимизда бизга қарашишади. Меҳнат қилган одам ҳеч қачон кам бўлмайди. Ҳозир ҳам қараб ўтирмайман, ҳар йили пилла тутишда, дала юмушларига қарашишда келинларим Гули, Карима, Манзуралар билан ёнма-ёнман...

Бу оила аъзоларининг ҳаммаси ўз ишини пухта билган, ёш бўлса ҳам одамлар қалбига йўл топа оладиган Ўтаган Абдуваҳобов бригадасида меҳнат қилишади. Ўтган йили бригада ҳар гектар майдондан 40 центнерга яқин пахта ҳосили олди. Биргина Турсунхўжа ота оиласи 6 миллион сўмликдан ортиқ даромад қилди.

### • Деҳқон оилалари ҳаётидан лавҳалар

— Рўзғоримиз бисёр, — дейди ая суҳбатни давом эттириб, — Хўжалигимиз бой, бизни ҳар йили шоли, ёғ, ун билан таъминлайди. Бу йил болаларимнинг ўртача ойлиги 150 минг сўмдан тушди. Меҳнатимиз эвазига олган пулимиздан ташқари, ҳар бир оилага бир тоннадан шоли ҳам беришди. Бу салкам 600 килограмм гуруч дегани. Тўкинчилик туфайли дўконда талонга бериладиган гуручни олмайдиган оилалар ҳам бизнинг хўжалигимизда кўп.

— Ҳамма гапни ўзинг гапиравересанми, мен ҳам айтай онаси, — мулоқотга қўшилди Турсунхўжа ота, — ука, газетга ёзадиган бўлсангиз, бир нарсани алоҳида таъкидланг... Колхозчи оиласи фақат меҳнатни билади. Майда-чуйда гаплардан, иғволардан холи юради. Ҳалол меҳнат қилган одамнинг эса рўзғорида барака бўлади. Биз ўзгаларни ҳам, ўзимизни ҳам ўйлаб, тинч, осуда яшашни истаймиз. Шу шароит оиламизда ҳукмрон. Юртимиз тинчлигининг ўзи катта бойлик. Телевизордан одамлар қони тўкилаётган юртларни кўриб, ачиниб кетаман. Ўзбекистонда яшаётганимиздан қувонаман. Ҳали аянгиз мол-ҳоллар ҳақида гапирмади. Дастурхонимиздан қатиқ, сут, қаймоқ аримайди. Табиий газ, ичимлик сув келганига ҳам бир неча йиллар бўлди. Мана шу қулайликларни яратиб берган ҳукуматимиз, вилоят, туман, хўжалигимиз раҳбарларига раҳмат дейман. Бу менинг чин дилдан айтган сўзларим. Улардан миннатдормиз...

Мазкур участкада биз яна бир неча хонадонларга кирдик. Тракторчи Иброҳим Юсупов, оддий пахтакор, агрофирма аъзоси Мукаррам аялар ҳам худди қадрдонларидек кутиб олишди бизни. Ҳаммаёқ саранжом-саришта.

Оппоқ дастурхон ёзилган хонтахта атрофидан жой олдик. Бу оилада вояга етган ва етаётган ўн фарзанднинг ҳам ҳаёти дала ишлари билан боғлиқ.

Ота-она заҳматкаш бўлса, болалар ҳам шунга қараб интилаверар экан. 1975 йилдаёқ илғор механизатор теримчи сифатида мукофотга енгил машина олган Иброҳим аканинг, боғчада ишлаб, пилла тутиб, туманда номи танилган, бир неча йиллар давомида қишлоқ кенгаши депутати сифатида элга хизмат қилган Мукаррам аянинг фарзандлари бири-биридан меҳнатсевар чиқди. Суннатилла муҳандис бўлиб етишди. Клара — ўқитувчи, Нигора — тарбиячи, Феруза — хизматчи, Шуҳрат, Муродилла, Дурдона, Фотима, Давронлар — далада ишлашади. Ҳайрулла ҳали мактабда ўқимоқда, — дея ая бизни ўз оила аъзолари билан таништирди.

Кейин келинлари Саломат, Гулноза, Шаҳноза, Фазилатлар ҳақида оғзидан бол томиб гапирди.

— Барака топишсин. Бирон жойда қайнонам деб гапиришмайди. Ҳамиша ойи, ойижон дейишади. Мен ҳам уларни ўз қизларимдек яхши кўраман. Ҳар бири ҳар хил касб эгалари бўлишса ҳам, бўш вақтларида далага чиқишади...

Мукаррам ая умр йўлдоши Иброҳим акадан, айниқса, хурсанд. Унинг меҳнаткашлигини, ҳалол ва оққўнгил инсон эканлигини таъкидлаб, болалари отага тортганлигини меҳр билан сўзлади.

Бу хўжаликда чиндан ҳам меҳнатлари билан эл-юрт, оила фаровонлиги йўлида фидокорлик кўрсатаётган хонадонлар кўп. Бу бежиз эмас. Хўжаликда ишчан, тадбиркор раҳбарлар бор. Улар ўз малакасини, куч ва ғайратини, маҳоратини оддий меҳнаткашларни қўллаб-қувватлашга йўналтирмоқдалар. Нимаики яхшилик бўлса, уларга бўлсин, дейишмоқда. Ўтган йили жамоа хўжалиги дала маҳсулотларидан, кичик ва қўшма корхоналардан бўлиб жами 1 миллиард 385 миллион сўмлик даромад олди. Хўжакликда ҳамма иш билан таъминланган. Бозор иқтисодиётининг ҳозирги мушкул шароитида ҳар бир оиланинг тўқ, фаровон яшашини таъминлаш, бу тадбиркор, ернинг тилини билган, чинакам маънодаги ғамхўр одамларнинг қўлидангина келади. Хўжалик аъзоларининг тўқ, фаровон, кўнгиллари хотиржам яшаётганликлари, ўз раҳбарларидан мамнунликларининг боиси ҳам шунда.

Ҳаммага ҳам шундай ҳаёт насиб этсин.

**Сандвали ҲАСАНОВ.**





• *Чирчиқда байрам*

# Омон бўлинг, фахрийлар

*Чирчиқ шаҳрида бўлиб ўтган байрам уруш машаққатларини бошидан кечирган, шонли жасорати асло унитилмайдиган кишиларга бағишланди. Чирчиқлик ҳалок бўлган жангчилар хотирасига ўрнатилган ёдгорлик олдида Тошкент шаҳри ва пойтахт вилоятининг уруш фахрийлари йиғилдилар. Улар бир-бирларини Буюк Ғалабанинг яқинлашиб келаётган 49 йиллиги билан табрикладилар ва Ватан учун жангларда ҳалок бўлган юртдошлари хотирасини сукут сақлаб ёдга олдилар.*

*Шонли санага бағишланган тантанали маросимни вилоят ҳокимининг муовини Ҳ. Ҳамидов очди. У вилоят ҳокимлиги номидан фахрийларни табриклаб, уларга сиҳат-саломатлик ва узоқ умр тилади.*

*Чирчиқ шаҳар ҳокими Д. Азизхўжаев, Юқоричирчиқ тумани уруш ва меҳнат фахрийлари кенгаши раиси Ж. Оқилбеков, Чирчиқ шаҳри уруш ва меҳнат кенгаши раиси П. Золотарев самимий дил сўзларини айтдилар. Ёдгорлик пойига гулчамбарлар қўйилди. Шу ерда маданият уйи бадиий ҳаваскорлик болалар жамоаларининг ҳамда Фарғона "Фантазия" шоу-балетининг чиқишлари бўлди. Ёш жангчилар фахрийлар олдидан тантанали юриш билан ўтдилар. Шаҳар ҳокимлиги меҳмонларга байрам дастурхони ёзди.*

***• Суратларда: Ғалаба байрами арафасида Чирчиқда ўтказилган маросимдан лавҳалар.***

**Г.КАЗЁННОВ олган суратлар.**

• *Вилоят саноат ходимлари кенгашидан*

# ИШДА КЕСКИН БУРИЛИШГА ЭРИШАЙЛИК

САНОАТ пойтахт вилоятимиз иқтисодиётининг етакчи тармоғи ҳисобланиши ҳаммага маълум. Шунинг учун ҳам унинг барқарор ва бир маромда ишлаши ниҳоятда катта аҳамиятга эгадир. Лекин, бозор муносабатларига ўтиш даври унинг фаолиятига ҳам салбий таъсир этмоқда. Илгари таркиб топган, мустаҳкам йўлга қўйилган алоқаларнинг узилиши унинг олдидаги муаммолар тизимини янада кўпайтириб юборди.

Шундай шароитда саноатимиз қандай ишлаяпти, йилнинг биринчи чораги режаларининг бажарилиши аҳволи, эришилган ютуқлар ва камчиликлар нималардан иборат, юзага келган муаммолар ва уларни ҳал қилиш учун қандай чораларни кўриш керак?

Бу ва саноат ишини яхшилашнинг бошқа муҳим масалалари яқинда ҳокимликда бўлиб ўтган йиғилишда атрофлича муҳокама қилинди. Унда шаҳар ва туман ҳокимлари, вилоят ҳокимлиги бошқармалари ва бўлимлари, концернлар, бирлашмалар, корхоналар раҳбарлари, мутахассислар ва бошқа мутасадди ташкилотлар вакиллари қатнашдилар.

Йиғилиш очиқ мулоқот шаклида бўлиб ўтганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Одатдаги узундан-узоқ маърузалар бўлмади. Ҳар бир чиқиш қисқа, лўнда, мантиқан пухта, масала моҳияти ва уни бартараф этиш, шаҳар ва тумандагина эмас, балки ҳар бир корхонада қониқарсиз иш аҳволини яхшилаш юзасидан аниқ ва амалий таклифлар, мулоҳаза-фикрлар ўртага ташланди.

Бозор иқтисодиёти шароитларида саноат фаолияти сезиларли даражада сустлашди, ишлаб чиқариш ҳажми ва суръатлари кўнгилдагидек бўлмаяпти. Бундай аҳвол турли асосли ва асоссиз сабаблар оқибатида юзага келмоқда. Лекин, саноатчиларимизнинг куч-ғайрати туфайли, ички имкониятлардан фойдаланишдаги ижобий силжишлар туфайли ишлаб чиқариш ҳажмининг пасайиб бориши март ойида бироз тўхтади.

Шу йилнинг январь-февраль ойларида ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш суръати ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 84 фоизни ташкил этган бўлса, мартга келиб бу кўрсаткич 2,2 фоизга ошди. Халқ хўжалиги эҳтиёжлари учун етказиб берилган саноат маҳсулоти ҳажми салкам тўрт юз миллиард сўм-купонни ташкил этди. Лекин, бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан олтмиш уч миллиард сўм-купон камдир.

Мураккаб шароитларга қарамасдан қатор шаҳарлар ва туманлар саноатида маҳсулот ҳажмини оширишга эришилди. Ангрен, Янгиобод, Янгийўл шаҳарлари, Оҳангарон, Оққўрғон, Бўстонлиқ, Зангиота, Юқоричирчиқ, Паркент, Тошкент, Янгийўл туманларида шундай бўлди. Ёқилғи-энергетика тармоғи бу йил ишни яхши бошлади. Гўшт-сут саноатида ҳам силжиш сезилмоқда.

Фаоллар йиғилишида ижобий ўзгаришлар эмас, камчиликлар ҳақида, уларни бартараф этиш тўғрисида гап кўпроқ бўлди. Вилоятда саноат корхоналарининг шу йилнинг биринчи чораги иш якунлари бўйича қисқача маъруза қилган ҳокимликнинг етакчи мутахассиси З. Муҳитдинов, сўзга чиққан Олмалиқ, Бекобод, Оҳангарон шаҳарлари ҳокимлари Ю. Беланов, Ж. Насриддинов, А. Расулов ва бошқа нотиқлар ўз фикр-мулоҳазаларини баён этдилар, қолоқ корхоналар раҳбарлари қолоқликни тугатиш, иш ҳажми ва суръатини ошириш бўйича қандай чора-тадбирларни амалга оширишни белгилаб қўйганликларини айтдилар. Йиғилишда уларнинг бажарилиши учун шахсан масъул эканликлари таъкидланди ҳамда бу масалага яқин вақт ичида қайтилиши таъкидланди.

Йиғилишда умуман вилоят саноатида аҳвол мураккаблигича қолаётганлиги катта ташвиш туғдираётганлиги айтилди. Унинг қатор етакчи тармоқларида ишлаб чиқариш ҳажми тўхтовсиз пасайиб кетмоқда. Тўқсон саккизта корхонада шундай вазият давом этаяпти. Маҳаллий хом ашё негизида ишлаётган корхоналарнинг қониқарсиз фаолиятини ҳеч қандай сабаб билан изоҳлаб бўлмайди. Бу асосан бинокорлик материаллари саноати, пахта ва каноп заводларига тааллуқлидир.

Олмалиқ шаҳар саноатида ишлаб чиқариш ҳажми ва суръатларининг пасайиши давом этмоқда. Бу ердаги йирик саноат корхоналари қониқарсиз ишлаяпти. Ангрен шаҳридаги корхоналарнинг деярли ярмида таркиб топган аҳвол ҳа қаноатланарли эмас. Бошқа айрим шаҳарлар саноатида ҳам ижобий силжишлардан дарак бўлмаяпти.

Йиғилишда қайд қилинганидек, вилоятда аҳолини иш билан таъминлаш соҳасидаги ишлар кўлами тобора кенгайиб бормоқда. Қатор шаҳарлар ва қишлоқларда бу соҳада дуруст натижаларга эришилмоқда. Янги очилган цехлар, бўлимлар, кичик корхоналар ва ширкатларга биринчи чоракдаёқ 6 мингдан зиёд фуқаро жалб қилинди. Шу давр ичида бу янги ишлаб чиқаришлар 3,1 миллиард сўм-купонлик маҳсулот тайёрлади. Лекин, бу масалада ҳам пахта ва каноп саноатида эътиборга арзигулик иш қилинмаганлиги ўткир танқид қилинди.

Саноат ишлаб чиқаришида юз берган бундай аҳволнинг сабабларидан бири жойлардаги раҳбарларда масъулият ҳисси камайиб кетганлигидадир. Кўпчилигининг фаолияти ҳозирги кун талабларига жавоб бермаяпти. Ечилиши осон бўлган муаммоларни ҳам ҳал қилишга улар интилмайдилар, ўз фаолиятсизликларини турли баҳоналарни рўкач қилиш билан оқлашга ҳаракат қиладилар.

Йиғилиш шаҳар ва туман ҳокимликлари, бирлашма, концерн, корхона раҳбарлари ва бошқа мутасадди ташкилотлардан саноат ишлаб чиқаришидаги қолоқликни тугатиш учун зарур бўлган барча чора-тадбирларни кўришни, тадбиркорликни кучайтиришни, давр масъулиятини тўла ва чуқур ҳис қилиб ишлашни, бошқа мамлакатлардаги хом ашё ва материаллар етказиб берувчилар билан ҳамкорликни яхшилаш учун ҳамма имкониятларни ишга солишни талаб этди.

Кенгашни вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Э. Рўзиев олиб борди ва унга якун ясади.

• *«Аскар — 94»*

# Армия — жисмоний соғломлик ва чиниқиш мактаби

Мустақил юртнинг армияси ҳам мустақил бўлиши керак. Шундагина у ўзини ташқи хужумлардан, тазйиқлардан ҳимоя қила олади. Бизнинг ўлкамизда ҳам миллий армияни тузиш йўлидан борилмоқда. Унда хизмат қиладиган ёшларни ҳар томонлама — ҳам жисмоний, ҳам ақлий, ҳам маънавий етук бўлишига эришиш муҳим вазифадир. Бунда ёшлар ўртасида ўтказиладиган турли хил ҳарбий машқларнинг аҳамияти катта.

Шунинг учун ҳам вилоят Ёшлар иттифоқининг ҳарбий спорт мусобақаларини ўтказиш тўғрисидаги ташаббуси ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга лойиқдир. Иттифоқ ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлашга ёрдам берувчи бундай мусобақаларни республикамизда биринчи бўлиб бошлаб берди. Шунинг учун ҳам уларнинг бу ташаббусини кўпчилик вилоят ташкилотлари маъқулладилар. Тошкент вилоят ҳокимлиги эса шу ҳақда махсус қарор чиқарди. Қарорга мувофиқ бундай ҳарбий спорт мусобақаларини барча шаҳарлар ва туманларда ўтказиш таклиф қилинди.

Фасллар келинчаги баҳор ана шундай муҳим ишларни ташкил этиш учун энг яхши давр ҳисобланади. Ўтган жума Чирчиқда бошланган бу тадбир уч кун давом этиб, Тошкентда якунланди.

Унда вилоятимизнинг деярли барча шаҳарлари ва туманлари вакиллари иштирок этдилар. Тошкент олий-ҳарбий умумқўшин билим юрти ўқув марказида пойтахт вилоятининг "Аскар-94" ҳарбий-спорт мусобақалари тантанали вазиятда очилди. Унда иштирок этган йигитларнинг ўзларини тутишлари, жиддийликлари бу мусобақалар ниҳоятда жиддий эканлигидан далолат бериб туради. Бу тушунарли, эди албатта. Зероки, бунда уларнинг кўпчилиги биринчи марта иштирок этмоқдалар. Ҳақиқий ҳарбий майдонда сергак ва жиддий турмаслик ҳам мумкин эмас. Ҳарбийча турмуш тарзи шуни тақозо этади. Бу ерда бўшашувчанлик, лоқайдлик, бефарқлик каби ҳолатларга умуман йўл қўйиб бўлмайди. Машқларда фаол иштирок этиб, ўзининг қобилиятларини намойиш этиш барча ёшлар учун зарур шартдир.

Армия нимадан бошланади? Биринчи навбатда жисмоний соғломлик, тайёргарликдан бошланади.

Мусобақалар давом этган уч кун ичида ўсмирлар енгил ва оғир атлетика, ҳарбий спорт турлари бўйича куч синашдилар. Албатта "Калашникоа" дан жанговар, ҳақиқий ўт очиш машқлари ҳам бўлди.

Мусобақалар давомида ўсмирлар Тошкент танк ҳарбий билим юрти курсантлари билан дўстлашиб олдилар. Улар бу ерда биринчи бор бўлаётганликлари учун ҳам билим юртидаги ҳарбий хизмат, тартиб-интизом кўпчиликни қизиқтирди. Ёшлар барча саволларга жавоб олдилар. Уларнинг айримлари танкчи бўлиш ниятини қалбларига жо қилиб олган бўлсалар ҳам ажаб эмас.

Вақт тез ўтиб якшанба — мусобақаларнинг якуниловчи куни ҳам етиб келди. У жанговар машқларни бажаришдан бошланди. Мусобақа қатнашчилари масофаси уч километрли кросс бўйлаб югурдилар. Мусобақанинг тантанали ёпилиши Тошкентда машҳур умумқўшин олий ҳарбий билим юртида бўлиб ўтди. Бу ерда мусобақа иштирокчиларини машқлар муваффақиятли тугаганлиги билан республика ёшлар Иттифоқининг биринчи котиби А. Тешабоев, Тошкент вилояти ҳокимининг ўринбосари Ҳ. Ҳамидов, шу ҳарбий билим юрти бошлиғи генерал-майор В. Маҳмудов, Тошкент вилояти ёшлар иттифоқининг биринчи котиби Н. Жабборовалар табрикладилар.

— Бундай мусобақаларни ўтказиш анъанавий бўлиб қолади, — дейди биз билан суҳбатда Н.Жабборова, — ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлашда бундай тадбирларнинг аҳамияти каттадир. Шунинг учун ҳам шаҳар ва районлар мусобақаларга жиддий муносабатда бўлдилар, уларнинг вакиллари беллашувларда фаол қатнашиб, ўз маҳоратларини намойиш қилдилар. Лекин афсуски, Зангиота ва Пискент туманлари ҳамда Янгиобод шаҳри ҳокимликлари ва ёшлар иттифоқи қўмиталари бу муҳим тадбир аҳамиятини яхши тушиниб етмадилар. Шу сабабли бўлса керак, уларнинг вакиллари мусобақаларда иштирок этмадилар.

Мусобақа ғолибларини алоҳида намуна кўрсатганларни тантанали равишда мукофотлаш маросими бўлиб ўтди. Пойтахт вилояти шаҳарлари ичида Чирчиқ, Олмалиқ, Ангрендан келган командалар ғолиб бўлишди. Туманлар ўртасида эса Бўстонлиқ, Чиноз, Оққўрғондан келган 2-21-, ва 8-мактаблар командалари совринли ўринларни эгалладилар. Чирчиқлик Андрей Фетисов, янгийўллик Богдан Гургенов, Бўстонлиқ тумани вакили Андрей Манин шахсий ҳисобда энг кўп хол тўпладилар.

Шундан сўнг мусобақалар қатнашчиларига қимматли совғалар, дипломлар, шунингдек пул мукофотлари топширилди. Энг яхши натижа кўрсатган Андрей Фетисовга 100 минг сўм-купон берилди.

Эндиликда "Аскар" ҳарбий-спорт мусобақалзри мунтазам ўтказиладиган бўлишига шубҳа қилмаса бўлади. Тошкент вилояти тажрибасини яқин вақт ичида республиканинг бошқа вилоятларида ҳам ёйишга тавсия этилди.








**Суратларда: бўлиб ўтган "Аскар — 94" ҳарбий-спорт мусобақаларидан лавҳалар.**

**Суратларни Д. АҲМЕДОВ олган.**







• Бу ҳақда вилоят фаоллари йиғилишида гапирилган эди

# ФЕРМЕРЛИКНИНГ МУШКУЛ ЙЎЛЛАРИ

## Хонободлик фермер Султонхўжа МУҲИДДИНОВ иш тажрибасидан





• Суратларда: (чапдан ўнгга) фермер Султонхўжа Муҳиддинов ва молбоқарлар О. Араббоев, Р. Олимовлар.

Н. МУҲАММАДЖОНОВ олган суратлар.

*ҲАЁТИМИЗГА ислоҳотлар тобора чуқурроқ кириб боряпти.*

*Зотан, бошқа мақбул йўл ҳам йўқ. Шу нуқтаи назардан фермер бугунги кунда жамиятнинг энг фаол, энг ишончли аъзоси бўлиб қолди. У ҳозир қишлоқда энг обрўли шахс, хусусий мулк эгаси. Вилоятимизда деҳқон (фермер) хўжаликларининг сони шу йилнинг бошида 1252 тани ташкил этганлиги ғоятда қувонарли ҳолдир. Табиийки, уларнинг сафи, халқ хўжалигидаги ўрни ва салмоғи узлуксиз ошиб боряпти.*

### ОТА ЎҒИЛ

Инсон ҳаётда ўз ўрнини топа олса, яхши дўст, доно устоз орттирса ўсади, камол топади. У ўз эзгу орзулари пойдеворига ишонч ва ихлос билан ғишт қўяди.

Ана шундай омадли кишилардан бири фермер Султонхўжа Муҳиддиновдир. У қандай қилиб фермер бўлиб қолди? Шунча журъат, билим ва малакани у қаердан олди? Кексаларимиз айтганларидек: "Ҳаёт — улуғ муаллим. Замон — дарсхона" экан. Олло таоло насиб этса, уқувли, фаҳму фаросатли одам боласи ҳаётда, албатта, ўз йўли, ўз бахтини топиб олар экан.

Унинг устози — отаси Насриддин бува кўпни кўрган, тажрибали ва зукко бободеҳқон. У "Қорасув" совхозида бригадир, чорвачилик фермасининг мудири бўлиб ишлаган кезлари яратган мўъжизалари ақлни лол қолдиради. Республикада биринчи бўлиб Юсупов навли помидор ва бошқа экинларни пуштага уруғидан эккан, сабзавотчиликда механизацияга кенг йўл очиб берган ана шу табаррук отахон бўлади. Унинг бу хайрли ишини раҳматли Шароф Рашидов юксак баҳолаган, уни шахсан ўзи рағбатлантирган эди.

Республикада хизмат кўрсатган механизатор Насриддин буванинг фермада жорий этган янгиликлари ҳам ажойиб-ғаройиб. У киши ўша вақтларда ишлатилган икки хил сут соғиш аппаратидаги нуқсонларни аниқлаб, улар асосида такомиллашган янги сут соғиш аппаратини яратди. Аппарат мутасадди давлат ташкилотлари томонидан синаб кўрилиб, кўплаб ишлаб чиқаришга тавсия ҳам этилган эди.

Тадбиркор оддий бир деҳқон илму заковати, олимона мушоҳадаси барқ урган ўша пайтларда Султонхўжа совхозда, оддий ёш ишчи эди. Илмсиз ҳеч қаёққа бориб бўлмаслиги ҳақидаги ота насиҳатини қулоғига олган ўғил Бўка қишлоқ хўжалигини механизациялаш техникумига ўқишга кирди. Ўқишни битириб, фермада тўққиз йил механик. 1985 йилдан 1993 йилгача савхозда бош муҳандис бўлиб ишлади. Энди уни тажрибада, билим ва малакада камситиб бўлмасди. Аксинча, унинг ўзидан келиб кўпроқ маслаҳат сўрашарди.

### ЭСКИ ГАРАЖДА ЁҒДУ

СОВХОЗНИНГ эски гаражи захкаш ерга жойлашган бўлиб, ерости сувлари ер бетига уриб ётарди. Ана шунинг учунми ёғингарчилик кезлари у ерга резина этик билан ҳам кириб бўлмасди. Тизза бўйи лой-балчиқ, ҳалқоб-ҳалқоб сув бўларди. Харобага айланган гараж деворларининг қоқ белигача зах уриб, пўпанак босиб кетганди. Бу вайронани ферма хўжалиги учун танлаган Султонхўжа устидан баъзилар анчагача кулиб ҳам юришди. Бу дашномни унинг ўзи ҳам хис этарди. Аммо сир бой бермасди, дарди ичида эди. Нима ҳам қилсин, ахир, бошқа қулайроқ жой топилмаса?!

— Эпақага келтиргунча анча қийналдик,— дейди фермер Султонхўжа Муҳиддинов.— Дастлаб гараж ёнидан ўтган ариқни тозаладик. Омонат турган деворларни созладик. Томларни таъмирлаб, шифер ёпдик. Янги бостирмалар солдик. Соғин сигирлар, новвослар ва бузоқлар сақланадиган хоналарни созлаб, уларга охирлар, сувлоғич мосламалар ўрнатдик. Ем тайёрланадиган қурилмалар, ем тегирмони олиб келинди. Озуқа омборхонаси қурилди. Ҳовли сатҳи уч марта асфальтланди. Бу ишларга анча пул кетди. Гараж ўрнидан ҳозирча ижара сифатида фойдаланаяпмиз. Уни бутунлай сотиб олишга (21 миллион сўм) бугун имкониятимиз йўқ. Лекин, бўлади...

### БИРИНЧИ ДОВОН

СУВНИ кўргандан кейингина этик ечиш яхши одат. Султонхўжа ҳам туриш-турмушда шунга амал қилади. Сира шошмайди, доим бамаслаҳат иш тутади. Бу, айниқса, янги хўжалик юргизаётган, янги рўзғор тебратаётган одам учун жуда шарт. Чунки. оқибати нима бўлишини на унинг ўзи ва на бошқалар айтиб бера олади.

Маслаҳат бир ердан чиқди. Отаси, акаси Турсунхўжа ва укаси Ҳайриддинлар Султонхўжага оқ фотиҳа, баҳоли қудрат пул билан ёрдам беришди. Фермер сармоя хуржунини елкага ташлаб Қозоғистон, Черняевка ва Янгибозорга йўл олди. У ердан зотли моллар сотиб олиб келди. Бундан хабар топган жамоа хўжалиги раиси Аъзам ака Абдувалиев ҳам катта ҳиммат кўрсатди. Янги фермер хўжалигига анча арзон нархда 16 бош наслдор бузоқ, 10 бош бузоқча берди.

Пода туёғи тобора ортиб борди. "Бўзсув" совхозида зотдор ғунажинлар борлигидан хабар топган Султонхўжа давлат банкидан 30 минг сўм қарз кўтариб, ҳамма пулни совхоз ҳисоб рақамига ўтказди. У ердан ўн бош зотдор ғунажин олиб келди. Ғунажинлар яхши, сермаҳсул сигирлар бўлиб етилди. Ҳозир хўжаликда 31 бош сигир бор. Улардан 23 таси соғилади.

1992 йилда фермер хўжалигида 25 тонна, ўтган йили эса, 77 тонна сут соғиб олинди. Бу йилги мўлжал — 100 тонна!

### БЕВАҚТ ЧЕКИНИШ ЁКИ КУТИЛМАГАН САҲОВАТ

— Фермер бўлиб мол боқиш жуда қийин экан,— дейди С. Муҳиддинов.— Ҳаммасини ўз қўлинг билан яратишинг, каттами ё кичик ҳар бир нарсанинг орқасидан ўзинг югуришинг керак. У етишмайди, бу етишмайди. Тракторга чоп, машинага чоп. Бензин йўқ. эҳтиёт қисмлар йўқ. Бир томонда божхона, бир томонда солиқлардан тинканг қурийди. Тўғриси, дод деворишгача етдим. Менга нима, битта қоринни тўйғазиш шунчалик азобми, деб қўл силтаб қўяқолишга тайёр эдим. Қатъий қарорга ҳам келиб қўйдим...

Раисимиз Аъзам ака келиб, тезда Вазирлар Маҳкамасига боришим кераклигини тайинлади-да, иши шошилинч эканми бошқа ҳеч нарса демай чиқиб кетди. Мен ҳам уни гапга тутмадим, дилимни ёрмадим. Ке-е, шу йиғинга ҳам бориб келай-чи, сўнг айтарман, дедим-да, йўлга отландим.

... Мана буни мажлис, ҳақиқий кенгаш деса арзийди,— дейди тўлқинланиб у. — "Минбарда куйиб-пишиб гапираётган Президентимиз сиймоси ҳануз кўз олдимдан кетмайди. Унинг сўзлари кўнгил ташналигимни қондирди, чарчоқларимни ёзиб юборди. Мажлисдан кейин ўйлаб қўйган қарорим ҳам ўзгарди. Ахир Президентимизнинг ўзи, ҳукуматимиз фермерга шунчалик каромат ва саҳоват кўрсатиб турганда нега энди лоқайд қолиб бўларкан?! Аксинча, тўриққа энди қамчи босадиган вақт етди. У қанот чиқариб, кўкка парвоз этишга ҳам қодир. Энди фермерга ҳеч нарса ҳалал бермайди, унинг йўли ойдин йўл эди... Шу ўй-фикрлар билан ишга шўнгиб кетдим.

### ҚАЛОВДА ГАП КЎП ЭКАН

— ЯҚИНДА Тошкент вилояти ҳокимининг муовини Йўлдош ака Тожибоев бошлиқ саккиз кишилик делегациямиз Фарғона шаҳрига, фермер хўжаликлар раҳбарларининг семинарига бориб келди,— дейди Султонхўжа. — Билмаган кўп нарсаларимизни ўрганиб қайтдик, ўзаро тажриба алмашдик. Йўлдош ака қайтишда менинг ишларим хусусида қизиқиб сўради.

— Чорвангни аҳволи қандай?

— Молларим зотли, насли тоза. Бу ерда кўрганларимизга ўхшаб жуссаси ва елини кичкина моллар эмас,— дедим. Бир келиб кўришга таклиф қилдим у кишини.

... Ҳозирги кунгача "Хонобод" фермер хўжалигида 31 бош соғин сигир, 30 бош новвос, 12 бош ғунажин, 9 бош бузоқ — жами 110 бош чорва боқилмоқда. Шу кечча-кундузда говмушлардан 270-280 литрга етказиб сут соғиб олинмоқда. 30 бош новвос сўқимга боқилмоқда. Уларнинг тирик вазни 500 килограммдан ошмагунча сўймаймиз.

Молнинг сути, эти — тилида, деб бежиз айтишмайди. Демак, ҳамма гап емда, озуқада. Берсанг-оласан, бермасанг-қуруқ қолаверасан. Асосий шарт ҳам шу. Бойишни, моддий аҳволни яхшилаб олишни истаган ҳар бир фермер, аввало, ана шу шартга қатъий амал қилиши, ем-озуқа масаласида пулни аямаслиги, иқтисод қилиб қолишни ўйламаслиги керак.

Хонободлик фермер худди ана шундай йўл тутяпти. Бамаслаҳат ишлаб чиқилган молларни озиқлантириш рациони — таомномасига қатъий амал қилаяпти. Шу туфайли ҳам маҳсулдорлик энг юқори кўрсаткичга етяпти.

Молларга ҳар куни уч маҳал — эрта билан соат 6-7 ларда, тушда соат 1-2 лар орасида ва кечқурун соат 8-9 ларда шулха, омухта ем, шрот, суюқ барда аралашмасидан иборат атала берилади. Бундан ташқари икки маҳал суюқ бардада увитилган терит, бир маҳал қуруқ хашакнинг ўзи берилади. Мол охирларига Сурхондарёдан олиб келинган тош тузи майдалаб ташлаб қўйилади.

Шуниси қизиқки, охирларда, моллар оёғи остида бир грамм ҳам нушхўрд кўрмайсиз. Демак, рациондаги озуқалар сифатли тайёрлаб берилади, хушхўр. Яна шу нарса ҳам эътиборга сазоворки, чорва моллари боғлаб боқилмайди, улар молхоналарда эркин сайр қилиб юришади. Вақти-вақти билан улар ферма орқасида жойлашган майдонга чиқариб яйратилади.

Хўш, озуқа таъминоти қандай кечяпти?

— Нолишга ҳаққим йўқ,— дейди Султонхўжа.— Жамоа хўжалигимиз раҳбарияти яқиндан кўмак бериб келяпти. Ўтган йили давлат нархида 17 тонна лавлаги, 20 тонна омухта ем, 40 тонна шрот берди. Бардани жамоа хўжалиги машинаси Тошкент вино заводидан олиб келиб беради. Қуруқ хашакни Қозоғистондан ўзаро келишилган ҳолда олиб келамиз. Худога шукрки, ягона иқти одий ҳудуд ташкил бўлиб, чегаралар очиб юборилди. Божхоналарнинг қийин-қистовидан қутилдик.

20 гектар еримиз бор. 14 гектари бедазор. 4 гектарга бу йил лавлаги ва 3 гектарга силос учун маккажўхори экканмиз. Гектаридан 70 тонн дан лавлаги, 150-200 тоннадан силос, янги қиш мавсумига етарли миқдорда озуқа жамғарамиз. Фермамизда йиғилиб қолган маҳаллий ўғитнинг ҳаммаси далаларимизга чиқарилмоқда. Бу билан ўғитга кетадиган ортиқча харажатларни тежаяпмиз.

Яйлов учун колхоз яна бир гектар майдон ажратиб бермоқчи. Барча дала ишлари акам Турсунхўжа ва унинг тўрт фарзанди зиммасида.

Президентимиз қўйган қатъий талаблардан бири — ернинг умрини бекорга ўтказмаслик, иложи борича ундан самарали фойдаланиш, ҳосилдорликни ошириш ҳисобига оз ердан ҳам мўл хосил олиб, эҳтиёжни қондиришдир. Узоқни кўзлаб айтилган бу гапда чуқур маъно бор. Аввало, ҳар қарич ернинг қадрига етишимиз, ҳосилдор экин майдонларини бўлар-бўлмасга талон-торож қилиб юбормаслигимиз керак.

Фермер хўжалиги жамоаси бир авлод кишилари. Бир-бири билан чатишиб кетган қариндош-уруғлар. Бу, аввало, ишончли кафолат бўлса, иккинчи бир томони — бир-бирларига ўзаро моддий ва маънавий мадад кўрсатишдир.

Молларга умуман уч киши — Баҳодир Ҳолиқов, Тойир Саримсоқов ва Баҳодир Юсуповлар қарашади. Ўткир Юсупов фермер муовини ҳисобланса-да, "аравани ҳамма билан баравар тортади". Ўзни сояга олиш уят саналади. Ишни қойил қилдингми, марҳамат, дамингни ол. Радио эшитасанми, мутолаа қиласанми ёки яна бошқа бир фойдали юмуш билан машғул бўласанми, ихтиёринг...

Соғин сигирларга бир соғувчи Жумагул Ҳожикиева биркитилган. Молхонага битта линия — 2 та "АД-100" сут соғиш аппарати ўрнатилган. Иш жараёни оғир эмас. Фермер хўжалигида ишлаётганларнинг ҳозир олаётган маошлари ҳам чакки эмас. Ойлик иш ҳақи ўртача 100 минг сўмдан ошмоқда.

### ШАҲАРДА ҚЎШ ДЎКОН

ФЕРМЕР хўжалиги жамоаси паррандачиликни ҳам йўлга қўймоқда. Колхоз ажратиб берган 30 сотих ерда бултур паррандачилик фермаси ташкил этилди. Атрофи сим тўсиқ билан ўраб олинди. Бугун бу ерда 40 та товуқ, 40 та ўрдак, 25 та курка ва 28 та ғоз боқилмоқда. Бу йил уларнинг сони анчага ортади.

Сирғали тумани ҳокимининг ёрдами билан шаҳар марказида фермер хўжалигининг хос гўшт дўкони очилди. Савдо-сотиқ учун қулай ерда. Маҳсулотлар бузилмаслиги учун музлатгич ҳам сотиб олинди. Мана, салкам бир ойча вақт бўлди, сотувчи Бахтиёр Юнусов Сирғали шаҳри аҳолисига бир тонна гўшт сотди. Халқ ҳар кило барра гўштни минг сўм арзон нархда харид қилди.

Яқин орада иккинчи дўконни очишга ҳам келишиб қўйилди. Янги дўкон паррандачилик фермасидан етказиб бериладиган парҳез парранда гўшти билан савдо қилади.

Фермер хўжалигида етиштирилган сутни ҳар куни жамоа хўжалиги машинаси олиб кетиб, Зангиотадаги сут қабул қилиш пунктига топширади. Ҳар куни атроф маҳалладан 50-60 хонадон сут харид қилгани чиқади. Уларга ҳам сут анча арзон нархда сотилади.

— Эндиликда шартномавий нарх белгиламоқчимиз,— дейди фермер хўжалиги раҳбари. — Сутнинг ҳар литрини 850 сўмдан сотамиз. Барибир бу мени хотиржамлантира олмайди. Яқин ўртада Қозоғистондан сепарат олиб келиш ниятим бор. Сутни ўзимизда қайта ишлаймиз. Цех очиб, қаймоқ, пишлоқ, творог, қатиқ маҳсулотлари ишлаб чиқарамиз. Яна бир янги дўкон очамиз.

### ЭЗГУ НИЯТ

— МЕН шу ўринда деҳқон-фермер хўжаликларини ривожлантиришга сидқидилдан муносабатда бўлаётган, уларга яқиндан ёрдам бераётган Зангиота тумани ҳокимлиги, "Қорасув" жамоа хўжалиги бошқарувининг раиси Аъзам ака Абдувалиевга ўз миннатдорчилигимни билдирмоқчиман,— дейди фермер Султонхўжа Муҳиддинов.— Бу хушомад эмас. Чиндан ҳам уларнинг менга катта ёрдами тегяпти.

Жамоа хўжалиги УАЗ-3303 машинасини совға тариқасида бериб қўйибди. "Сут" машинаси ҳар куни соғилган сутни қабул пунктига олиб кетади. Бунинг учун колхоз мендан пул олмайди. Техника, озуқа, бензин, эҳтиёт қисмлар ташвишини қилмайман. Шартнома асосида исталган техника ва машинани исталган вақтда ижарага олиб, бемалол фойдалана оламан.

Жамоа хўжалиги раҳбарияти мени бошқа кўпгина ортиқча юмушлардан ҳам озод қилиб қўйибди. Асосий ҳисоб-китоб ишларим хўжалик бухгалтерияси зиммасида. Ҳамма кирим-чиқимларни ўзлари олиб боришади. Ҳар ойда менга алоҳида ҳисобот тақдим этишади. Мен тегишли ҳужжатлар билан танишиб, имзо чекиб, муҳр босиб бераман, холос. Кирим-чиқимлар дафтари тутганман. Гувоҳномам, муҳрим, ҳисоб рақамлари дафтарчалари ва бошқа ҳамма қоғозлар бор.

Иккита ҳисоб рақамим бор. Унинг биттаси жамоа хўжалигида. Бу ҳисобда ҳозир 1 миллион 600 миннг сўм пулим бор. Алоҳида очилган ҳисоб рақамимда эса, 6 миллион сўм атрофида пулим бор. Бу, албатта, жуда кам. Чунки, йилнинг энди биринчи чораги ўтди. Ҳаммаси ҳали олдинда. Бойиб қолсак, ажабмас!..

Эзгу ниятингиз доим ёр бўлсин, Султонхўжа!..

**Н. ҲИКМАТУЛЛАЕВ,**
**"Тошкент ҳақиқати" нинг махсус мухбири.**

# РЎЗҒОР БАРАКАСИ — ҲАЛОЛ МЕҲНАТДА

• Деҳқон оилалари ҳаётидан лавҳалар

ҚИШЛОҚДА бағри кенг, меҳри қуёш, қалби мусаффо кишилар кўп. Уларнинг ниятлари ҳамиша пок: эл-юрт тинчлигини, фидойилигини кўзлайдилар, шу йўлда меҳнатларини аямайдилар. Бундай оққўнгил инсонлар оиласида фарзандлар ҳам ота-оналаридек ишчан, инсонпарвар бўлиб тарбия топадилар.

Ўртачирчиқ туманидаги Ким Пен Хва номли жамоа хўжалигида бўлганимизда Йўнғичқоли қишлоқ фуқаролар йиғини кенгашининг раисаси Мапурахон Тошматова бизни Тўртқўрғон участкасидаги қатор ана шундай оилалар билан таништирди.

— Уйингизга меҳмон олиб келяпман, отахон, — деди у кўчада набирасини кўтариб турган бўйчан, қорачадан келган, қотмагина оқсоқолга ва биз томон қараб, — Турсунхўжа ота шу киши бўладилар, — деди.

Оқсоқол худди ўғли армиядан келган кишидек чеҳраси ёришиб, ўзида йўқ қувониб кетди. Салом-аликдан сўнг у:

— Бош устига, бош устига, қани юринглар, — дея бизни ҳовлига бошлади.

Отанинг умр йўлдоши Ҳадичахон ая келини билан елиб-югуриб айвондаги столга дастурхон тузай бошлашди. Бир пиёла чой устида суҳбат бошланди.

Турсунхўжа ота 43 йил Ким Пен Хва номли жамоа хўжалигининг Тўртқўрғон участкасида сувчи, оддий пахтакор, теримчи бўлиб ишлади. Ҳадичахон ая хўжаликда энг илғор пиллакор, теримчи, 11 фарзандни вояга етказган қаҳрамон она сифатида танилди. Ҳозир заҳматкаш онахон 252 минг сўм пенсия олиб, меҳнати гаштини сурмоқда.

6 ўғил, 5 қизни оёққа қўйган, уларни ўзлари каби меҳнатсевар қилиб улғайтирган бу очиққалб инсонларнинг беғубор суҳбатларини тинглаб, тўймайсан киши.

— Отасига эргашиб, ўғилларим Амирхон, Комилжон, Қобилжон, Фозилжон, қизларим — Ҳаётхон, Саҳоат, Қаноат, Фароғат ҳамда Сабоҳатлар барчаси колхозчи бўлишди, айланайлар, — дейди ая кўнгли тўлиб, — мактабда ўқиётган Абдураҳмон, Қаҳрамон ҳам қурт тутганимизда бизга қарашишади. Меҳнат қилган одам ҳеч қачон кам бўлмайди. Ҳозир ҳам қараб ўтирмайман, ҳар йили пилла тутишда, дала юмушларига қарашишда келинларим Гули, Карима, Манзуралар билан ёнма-ёнман...

Бу оила аъзоларининг ҳаммаси ўз ишини пухта билган, ёш бўлса ҳам одамлар қалбига йўл топа оладиган Ўтаган Абдуваҳобов бригадасида меҳнат қилишади. Ўтган йили бригада ҳар гектар майдондан 40 центнерга яқин пахта ҳосили олди. Биргина Турсунхўжа ота оиласи 6 миллион сўмликдан ортиқ даромад қилди.

— Рўзғоримиз бисёр, — дейди ая суҳбатни давом эттириб, — Хўжалигимиз бой, бизни ҳар йили шоли, ёғ, ун билан таъминлайди. Бу йил болаларимнинг ўртача ойлиги 150 минг сўмдан тушди. Меҳнатимиз эвазига олган пулимиздан ташқари, ҳар бир оилага бир тоннадан шоли ҳам беришди. Бу салкам 600 килограмм гуруч дегани. Тўкинчилик туфайли дўконда талонга бериладиган гуручни олмайдиган оилалар ҳам бизнинг хўжалигимизда кўп.

— Ҳамма гапни ўзинг гапираверасанми, мен ҳам айтай онаси, — мулоқотга қўшилди Турсунхўжа ота, — ука, газетга ёзадиган бўлсангиз, бир нарсани алоҳида таъкидланг... Колхозчи оиласи фақат меҳнатни билади. Майда-чуйда гаплардан, иғволардан холи юради. Ҳалол мехнат қилган одамнинг эса рўзғорида барака бўлади. Биз ўзгаларни ҳам, ўзимизни ҳам ўйлаб, тинч, осуда яшашни истаймиз. Шу шароит оиламизда ҳукмрон. Юртимиз тинчлигининг ўзи катта бойлик. Телевизордан одамлар қони тўкилаётган юртларни кўриб, ачиниб кетаман. Ўзбекистонда яшаётганимиздан қувонаман. Ҳали аянгиз мол-холлар ҳақида гапирмади. Дастурхонимиздан қатиқ, сут, қаймоқ аримайди. Табиий газ, ичимлик сув келганига ҳам бир неча йиллар бўлди. Мана шу қулайликларни яратиб берган ҳукуматимиз, вилоят, туман, хўжалигимиз раҳбарларига раҳмат дейман. Бу менинг чин дилдан айтган сўзларим. Улардан миннатдормиз...

Мазкур участкада биз яна бир неча хонадонларга кирдик. Тракторчи Иброҳим Юсупов, оддий пахтакор, агрофирма аъзоси Мукаррам аялар ҳам худди қадрдонларидек кутиб олишди бизни.

Хаммаёқ саранжом-саришта.

Оппоқ дастурхон ёзилган хонтахта атрофидан жой олдик. Бу оилада вояга етган ва етаётган ўн фарзанднинг ҳам ҳаёти дала ишлари билан боғлиқ.

Ота-она заҳматкаш бўлса, болалар ҳам шунга қараб интилаверар экан. 1975 йилдаёқ илғор механизатор теримчи сифатида мукофотга енгил машина олган Иброҳим аканинг, боғчада ишлаб, пилла тутиб, туманда номи танилган, бир неча йиллар давомида қишлоқ кенгаши депутати сифатида элга хизмат қилган Мукаррам аянинг фарзандлари бири-биридан меҳнатсевар чиқди. Суннатилла муҳандис бўлиб етишди. Клара — ўқитувчи, Нигора — тарбиячи, Феруза — хизматчи, Шуҳрат, Муродилла, Дурдона, Фотима, Давронлар — далада ишлашади. Ҳайрулла ҳали мактабда ўқимоқда, — дея ая бизни ўз оила аъзолари билан таништирди.

Кейин келинлари Саломат, Гулноза, Шаҳноза, Фазилатлар ҳақида оғзидан бол томиб гапирди.

— Барака топишсин. Бирон жойда қайнонам деб гапиришмайди. Ҳамиша ойи, ойижон дейишади. Мен ҳам уларни ўз қизларимдек яхши кўраман. Ҳар бири ҳар хил касб эгалари бўлишса ҳам, бўш вақтларида далага чиқишади...

Мукаррам ая умр йўлдоши Иброҳим акадан, айниқса, хурсанд. Унинг меҳнаткашлигини, ҳалол ва оққўнгил инсон эканлигини таъкидлаб, болалари отага тортганлигини меҳр билан сўзлади.

Бу хўжаликда чиндан ҳам меҳнатлари билан эл-юрт, оила фаровонлиги йўлида фидокорлик кўрсатаётган хонадонлар кўп. Бу бежиз эмас. Хўжаликда ишчан, тадбиркор раҳбарлар бор. Улар ўз малакасини, куч ва ғайратини, маҳоратини оддий меҳнаткашларни қўллаб-қувватлашга йўналтирмоқдалар. Нимаики яхшилик бўлса, уларга бўлсин, дейишмоқда. Ўтган йили жамоа хўжалиги дала маҳсулотларидан, кичик ва қўшма корхоналардан бўлиб жами 1 миллиард 385 миллион сўмлик даромад олди. Хўжакликда ҳамма иш билан таъминланган. Бозор иқтисодиётининг ҳозирги мушкул шароитида ҳар бир оиланинг тўқ, фаровон яшашини таъминлаш, бу тадбиркор, ернинг тилини билган, чинакам маънодаги ғамхўр одамларнинг қўлидангина келади. Хўжалик аъзоларининг тўқ, фаровон, кўнгиллари хотиржам яшаётганликлари, ўз раҳбарларидан мамнунликларининг боиси ҳам шунда.

Ҳаммага ҳам шундай ҳаёт насиб этсин.

**Саидвали ҲАСАНОВ.**

